АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМАНОВА АЗИЗАХОН АБДУГАФУРОВНА

ЎЗБЕК ТИЛИ МИЛЛИЙ КОРПУСИНИ ЯРАТИШДА КОМПЬЮТЕР УСУЛЛАРИ

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Андижон – 2022

УДК: 811.512.133.93

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) in philological sciences

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМАНОВА АЗИЗАХОН АБДУГАФУРОВНА

ЎЗБЕК ТИЛИ МИЛЛИЙ КОРПУСИНИ ЯРАТИШДА КОМПЬЮТЕР УСУЛЛАРИ

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Андижон – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Fil1821 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Андижон давлат университети веб-саҳифаси (www.adu.uz) ҳамда “Ziyonet” (www.ziyonet.uz) Ахборот таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Абдурахманова Муқаддас Турсуналиевна** филология фанлари номзоди, доцент
Расмий оппонентлар:	**Раупова Лайло Рахимовна** филология фанлари доктори, профессор
	Холиёров Ўрал Менглиевич филология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)
Етакчи ташкилот:	**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Ўзбекистон Республикаси, Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129-уй. Телефон/факс: 0 (374) 223 88 30, e-mail: agsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Андижон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). (Ўзбекистон Республикаси, Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129-уй. Тел.: 0 (374) 223 88 14).

Диссертация автореферати 2022 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2022 йил “____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Х. Шахабитдинова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Ф.Ф. Усманов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.ф.д.

М.Э. Умарходжаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

Кириш (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳон тилшунослигида миллий тилнинг мавқеини ошириш, ижтимоий функцияларини кенгайтириш, коммуникациядаги ўрнини белгилаш, ахборот асри талабларига мувофиқ равишда такомиллаштиришга доир амалий ишлар олиб борилмоқда. Тил бирликларини тўплаш, умумлаштириш, луғавий қатламга кўра барча кўринишларини жамлаш, тарихий бирликларини акс эттириш, чегараланган лексик қатламга оид маълумотларни умумлаштириш давр эҳтиёжига айланди. Ҳозирги техник имкониятлардан фойдаланган ҳолда миллий тилларнинг умумий маълумотлар базасини яратиш, шу асосда тилнинг семантик имкониятларини, мазмун ифодалаш кўламини белгилаш глобал тараққиётнинг долзарб масалаларидан биридир.

Дунё тилшунослигида амалий тилшунослик, компьютер лингвистикаси, корпус лингвистикаси масалаларига бағишланган тадқиқотлар кўлами кенгаймоқда. Корпус лингвистикасининг тараққиёт тамойилларини, корпус яратишнинг компьютер усуллари, математик моделларини белгилаш, компьютер луғатларининг маълумотлар базаси сифатидаги аҳамиятини ёритиш, тезауруслар, конкордансларнинг лингвистик таъминотини изоҳлаш, корпус турларини таҳлил қилиш, миллий тил тараққиётидаги ўрнини кўрсатиш, ижтимоий соҳалар ривожидаги, таълим жараёнидаги самарадорлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ўзбекистонда мустақилликдан кейинги йилларда амалий тилшунослик соҳаларини ривожлантиришга эътибор қаратилди. Миллий тилдан амалий фойдаланиш кўникма ҳамда малакаларини шакллантириш, ўзбек тилининг замонавий ахборот-коммуникация тизимида кенг қўлланишини таъминлаш долзарб вазифага айланди. “Давлат тилининг ахборот ва коммуникация технологиялари, хусусан, Интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, ўзбек тилининг компьютер дастурларини яратиш” муҳимлиги таъкидланди[1]. Ўзбек тилини интернет тилига айлантиришда, тил масалаларини компьютер ёрдамида ҳал қилишда, ўзбек тилининг функционал доирасини кенгайтиришда муҳим ўрин тутган миллий корпус яратиш технологияси, компьютер усулларининг монографик планда миллий тил негизида таҳлил қилингани тадқиқот мавзусинининг долзарблигини белгилайди. Миллий корпус яратишга доир графематик анализ ва разметкалашнинг ўзбек тилидаги тэг кўринишлари, коллокаций усули моделлари ишлаб чиқилгани мазкур тадқиқотнинг зарурийлигини асослайди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4997-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон Фармони // Халқ сўзи, 2019 йил 22 октябрь. - № 218 (7448).

стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда давлат тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари; 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида корпусга доир илк маълумотлар XX асрнинг 40-йилларида юзага келган[2] бўлса-да, корпус лингвистикасининг моҳияти, мақсади, назарий масалалари, корпус тузиш тамойиллари XX асрнинг 60-йилларига тўғри келади. Браун корпуси (1961-1964) корпус лингвистикасининг назарий ва амалий асослари акс этган дастлабки манба ҳисобланади[3]. Жон Синклернинг инглиз тили банкини шакллантиришдаги изланишлари корпус лингвистикаси асосларини такомиллаштиришга хизмат қилди[4]. “Компьютер лингвистикаси”га бағишланган мақолалар сериясида корпус масалалари ҳам таҳлил этилган[5]. Рус тилшунослигида А.Н.Баранов[6] В.П.Захаров[7], А.Б.Кутузов[8], Е.В.Недошивина[9], В.В.Рыков[10], В.Плунгян[11], К.Боярскийлар[12] корпус, унинг турлари, ўзига хос хусусияти, корпуснинг ижтимоий аҳамияти, корпус тузиш тамойиллари борасида тадқиқот олиб боришган. Муаллифлик корпуслари ҳақидаги махсус тадқиқотлар О.В.Кукушкина, А.А.Поликарпов,

[2]Курс “Корпусная лингвистика” (А.Б.Кутузов) Лицензия Creative commons Attribution Share-Alike 3.0 Unported (Электрон ресурс) - // lab314.brsu.by/kmp-lite/kmp-video/CL/CorporeLingva.pdf.

[3] Френсис Н., Кучера Г. Вычислительный анализ современного американского варианта английского языка. -М., 1967.

[4]Синклер Д. Предисловие к книге “Как использовать корпуса в преподавании иностранного языка” // Д. Синклер [Электронный ресурс]. – Режим доступа: http://www/ruscorpora.ru/corpora-infro.html, свободный.

[5] Новое в зарубежной лингвистике. Вып: XXIV. Компьютерная лингвистика, 1989.

[6] Баранов А.Н. Введение в прикладную лингвистику. - М.: Эдиториал УРСС, 2001.

[7]Захаров В.П. Корпусная лингвистика. Учебно-методическое пособие. – Санкт-Петербург, 2005. – 48 с.

[8]Қаранг. Курс “Корпусная лингвистика” (А.Б.Кутузов) Лицензия Creative commons Attribution Share-Alike 3.0 Unported (Электрон ресурс) - // lab314.brsu.by/kmp-lite/kmp-video/CL/CorporeLingva.pdf.

[9]Недошивина Е.В. Программы для работы с корпусами текстов: обзор основных корпусных менеджеров. Учебно-методическое пособие. – Санкт-Петербург, − 2006. - 26 с.

[10]Рыков В.В. Курс лекций по корпусной лингвистике. URL: http://rykov-cl.narod.ru/c.html

[11]Плунгян В. Зачем мы делаем Национальный корпус русского языка? “Отечественные записки»” 2005, - №2. http://magazines.russ.ru/oz/2005/2/2005_2_20-pr.html

[12]Боярский К. Введение в компьютерную лингвистику. - Санкт-Петербург, 2013.

Е.В.Суровцевалар томонидан амалга оширилган[13].

Ўзбек тилшунослигида компьютер лингвистикаси, табиий тилни қайта ишлаш, статистик таҳлил масалаларига доир изланишларда корпус лингвистикасига ҳам тўхталиб ўтилган[14]. Компьютер лингвистикаси йўналишлари монографик тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этилди[15]. Корпус лингвистикаси масалалари кейинги йилларда монографик планда ўрганила бошлади. Ш.Ҳамроева ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари ёритилган тадқиқотини амалга оширди. Тадқиқотда ўзбек тилшунослигида биринчи марта корпус, унинг ўзига хос хусусияти, назарий асослари ёритилган, лингвистик корпуснинг амалий ва таълимий аҳамияти очиб берилган[16]. А.Эшмўминов ўзбек тили миллий корпусининг синоним сўзлар базасини шакллантириш тамойилларини яратди. Маънодош сўзлар базасини тузишда семантик разметкадан фойдаланиш усулларини таҳлил қилди. Ўзбек тилининг лисоний синонимларини тэглаш алгоритмини ишлаб чиқди[17]. Бундан ташқари корпус лингвистикасининг маълумотлар базаси, лингвистик таъминотига доир тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети “Ўзбек тилининг ижтимоий, тарихий ва замонавий тараққиёти” мавзусида олиб борилаётган истиқболли илмий тадқиқот ишлари режасининг таркибий қисми ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади миллий корпусларнинг лингвистик тадқиқот манбаси сифатидаги аҳамиятини очиб бериш, ўзбек тили миллий корпусини яратишнинг технологик тамойилларини белгилаш, компьютер усулларини тизимлаштириш, матнни разметкалаш, графематик анализ ва миллий разметка тэгларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

корпус, корпус лингвистикаси, унинг мазмун-моҳиятини, миллий корпуснинг тил тараққиёти ва ижтимоий соҳалардаги аҳамиятини ёритиш;

ўзбек тили миллий корпусини яратишнинг компьютер усулларини тавсифлаш, корпусларни шакллантиришда компьютер усулларидан

---

[13]Кукушкина О.В., Поликарпов А.А., Суровцева Е.В. Электронный корпус текстов художественных произведений А. П. Чехова: принципы организации и возможности лексикографического использования// Слово и словарь. Vocabulum et vocabularium. Сборник научных трудов по лексикографии. Вып. 12. – Харьков – Клагенфурт – 2011. Под ред. В.В.Дубичинский.- Қаранг: Ҳамроева Ш.М. Корпус лингвистикаси атамаларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: «Камалак» нашриёти. – Б.6.

[14] A.Po‘latov, S.Muhamedova. Kompyuter lingvistikasi.-T.,2008; B.Yo‘ldoshev. Kompyuter lingvistikasi. –Toshkent,2009; A.Po‘latov. Kompyuter lingvistikasi. –Toshkent, 2011; A.Rahimov. Kompyuter lingvistikasi asoslari. –Toshkent,2011; F.Qurbonova. Kompyuter lug‘atlari: tezaurus. –Toshkent,2014; L.Abduhamidova. Tilshunoslikning yangi yo‘nalishi: kompyuter lingvistikasi. –Toshkent, 2015.

[15] Абдураҳмонова Н.З. Инглизча матнларни ўзбек тилига таржима қилиш дастурининг лингвистик таъминоти (Содда гаплар мисолида). Филол. фан. ... фалс. д.-ри (PhD)... дисс. – Тошкент, 2018; Абжалова М. Ўзбек тилидаги матнларни таҳрир ва таҳлил қилувчи дастурнинг лингвистик модуллари (расмий ва илмий услубдаги матнлар таҳрири дастури учун). Филол. фан. ... фалс. д.-ри (PhD)... дисс. – Тошкент, 2019.

[16] Ҳамроева Ш. М. Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари: Филол. фан. ... фалс. д.-ри (PhD)... дисс. – Қарши, 2018.

[17] А.Эшмўминов. Ўзбек тили миллий корпусининг синоним сўзлар базаси. – Қарши, 2019.

фойдаланиш тамойилларини ишлаб чиқиш;

корпус яратишдаги матнни қайта ишлаш, конвертлаш, графематик анализ жараёнларини таҳлил қилиш;

корпусларни шакллантиришда разметкалаш тамойилларини белгилаш; морфологик, синтактик, семантик разметкалаш асосларини таҳлил қилиш;

ўзбек тили миллий корпусини яратишнинг компьютер усулларини тавсифлаш;

разметкалашнинг миллий асосларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида дунё тилшунослигида яратилган миллий корпуслар, уларнинг тузилиши, таркиби, халқаро корпус яратиш технологияси ва разметкалаш тизими олинган.

Тадқиқотнинг предметини миллий корпусларни яратишдаги конвертлаш, графематик анализ, разметкалаш, морфологик, синтактик, семантик разметка, тэглаш усулларининг йўналиши ва мазмуни ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда моделлаштириш, тавсифлаш, қиёслаш, чоғиштириш, компонент таҳлил, статистик таҳлил методлари ва коллокаций усулидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек тили миллий корпусини тузишда фойдаланиладиган, ўзбек тилидаги киритилган матнни бўлакларга бўлиш, абзац, суперсинтактик бутунликлар талабига амал қилган ҳолда қисмларга ажратиш, матн мазмунини акс эттирувчи сарлавҳа қўйиш, матн бўлмаган элементларни олиб ташлаш, инициал билан ёзилган ўринларни ва чет сўзларни қайта кўриб чиқувчи графематик анализ усуллари ишлаб чиқилган;

автоматик таржима имкониятларини кенгайтириш учун хизмат қиладиган табиий тилни қайта ишлаш, лингвистик разметкалашнинг токенизация, лемматизация, стемминг, парсинг каби автоматик таҳрирлашнинг назарий-технологик асослари очиб берилган;

тезаурусларда лексеманинг антоними, пароними, омоними ёки контекстуал маъноларини фарқлаш учун зарур бўлган коллокаций моделлари ишлаб чиқилган;

автоматик таҳрир ва таржима дастурлари учун омонимларни фарқлашнинг ўзбек тили агглютинатив типологик ва туркий тилларга хос генеологик хусусиятларига асосланган ҳамда дастурда омонимлар автоматик тарзда фарқланадиган миллий тэглар тизими яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

корпусларни шакллантиришнинг компьютер усуллари кўрсатиб берилган; интерфейсларни шакллантириш тамойиллари аниқланган; ўзбек тилидаги матнларни морфологик, семантик, синтактик разметкалаш усуллари ёритилган;

корпусларни шакллантиришда лингвистик моделлаштиришдан фойдаланиш усуллари очиб берилган; корпус лингвистикасининг компьютер усулларига доир терминологик луғат яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тўпланган материалларнинг ўзбек тилининг фонетик, лексик, грамматик табиатини акс эттириши, компьютер усулларига доир маълумотларнинг аниқ манбалар асосида келтирилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ўзбек тилининг миллий корпусини яратишнинг компьютер усулларини тизимлаштиришда, назарий асосларини белгилашда, миллий тэглаш тамойилларини аниқлашда ўзига хос ўрин тутади.

Ишнинг амалий аҳамияти компьютер лингвистикаси, корпус лингвистикасининг фан сифатида ўқитилиши жараёнида дастур ва режалар тузишда, ўқув адабиётларини яратишда, миллий корпус, параллел матнлар корпуси, муаллифлик корпусларини шакллантиришда илмий-назарий ҳамда амалий манба бўла олиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Ўзбек тили миллий корпусини яратиш технологияси, усуллари ва матн разметкаларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ўзбек тили миллий корпусини яратиш имконини берувчи матнларни саралаш ва қайта ишлаш, конвертлаш, графематик анализ усулларига доир хулосалардан 2017-2020 йилларда бажарилган “Development of the interdisciplinary master program on Computational Linguistics at Central Asian Universities” номли ERASMUS CLASS лойиҳасида кенг фойдаланилган, жумладан, лойиҳа доирасида бажарилган силлабусларни тузишда, дарслик ёзишда диссертацияда тадқиқот предмети сифатида белгиланган морфемаларнинг кетма-кетлиги ҳамда тадқиқот натижасида корпус лингвистикасига доир тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, семантик, синтактик разметкалар асосидаги кенг маълумотлар базасини шакллантириш, компьютер усулларини ишлаб чиқишда, разметкалашда миллий тилнинг типологик ва генеологик хусусиятларига оид илмий хулосаларидан мазкур лойиҳанинг материалларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Erasmus + National Erasmus+Office-Uzbekistan ташкилотининг маълумотномаси). Натижада миллий корпусларни шакллантиришнинг компьютер усулларини тизимлаштиришга эришилган;

жаҳон тилшунослигида миллий тилнинг мавқеини ошириш, ижтимоий функцияларини кенгайтириш, корпус яратишнинг компьютер усуллари, математик моделларини белгилаш, компьютер луғатлари, миллий корпус, муаллиф корпусларининг маълумотлар базаси сифатидаги аҳамиятини ёритиш борасидаги илмий-амалий таклиф ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020-2021 йилларда ўтказилган тарғибот фаолияти, марказнинг 2017-2020 йилларда амалга оширилган “Шарқ ренессанси даври алломалари ва мутафаккирлари асарларининг илмий-фалсафий ва бадиий-лингвистик тадқиқи” амалий тадқиқотлар давлат гранти лойиҳасида, шунингдек, Республика Маънавият ва маърифат маркази мажлисининг 2021 йил январдаги Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга

кўтаришга доир қўшимча чора-тадбирлар дастурининг VI йўналишига оид “Халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса, ёшларимиз ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш”, 50-банди “Ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Рустамхон” каби халқ оғзаки ижоди намуналарини кенг истифода этган ҳолда “Миллий қадриятлар” фестивалини ўтказиш” каби мавзулардаги мақсадли ва манзилли тарғибот тадбирларини ташкил этишда фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат кенгаши Республика маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 11 октябрдаги 02/08/1261-сон маълумотномаси). Натижада маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган маълумотлар базаси шакллантирилган;

ўзбек тили миллий корпусини яратиш, унинг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини оширишга доир илмий-назарий хулосалардан “Ўзбекистон тарихи” телеканалининг “Мавзу” ва “Тақдимот” кўрсатувлари сценарийларини ёзишда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телерадиоканали” ДУКнинг 2021 йил 19 апрелдаги 02-13-598-сон маълумотномаси)**.** Натижада компьютер лингвистикаси имкониятлари, корпусларнинг амалий аҳамияти ҳақидаги назарий билимлар доираси кенгайтирилган.

Тадқиқот натижаларнинг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 2 та луғат, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, улардан 5 таси хорижий журналда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 158 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Корпус лингвистикаси тараққиётининг назарий**

асослари” деб номланган I бобнинг биринчи параграфида “*Корпус лингвистикасининг мустақил соҳа сифатидаги тараққиёти”* ҳақида маълумот берилган.

Ҳар бир тилнинг мавқеи ахборот-коммуникациядаги ўрни билан белгиланади. Тилнинг ахборот алмашув функциясини таъминлашда компьютер лингвистикасининг, корпус лингвистикасининг аҳамияти катта. Корпуслар муайян тилнинг хусусиятларини ёритишда, имкониятларини акс эттиришда, тилшунослик соҳаларини, хусусан, компьютер лексикографиясини такомиллаштиришда, ижтимоий соҳа тушунчаларини оммалаштиришда амалий аҳамият касб этади. Параграфда корпус турларининг илмий тадқиқот материали сифатидаги аҳамияти кўрсатиб берилган.

Бобнинг иккинчи параграфида *“Ўзбек тили миллий корпусини яратишнинг назарий асослари”* ёритилган. Матнлар корпуси муайян тилнинг луғат бойлигини акс эттиради. Матнлар корпуси – матн ёки суперсинтактик бутунликлар ёрдамида ифодаланган йирик ҳажмли маълумотлар базасидир. Миллий корпусларнинг луғат фонди фақат синхроник характерда бўлмай, диахрон тараққиёт асосидаги лексик бирликларни ҳам қамраб олади. Бу эса тилнинг умумтараққиёт босқичларига хос фонетик, лексик, грамматик хусусиятларни таҳлил қилиш, луғат фонди ҳажмини аниқлаш, ривожланиш тамойилларини белгилаш имконини яратади.

Ўзбек тилшунослигида компьютер лингвистикаси, табиий тилни қайта ишлаш, статистик таҳлил масалаларига доир изланишларда корпус лингвистикасига ҳам тўхтаб ўтилган[18]. Ўзбек корпус лингвистикасининг шаклланишида компьютер лингвистикасига оид тадқиқотларнинг ҳам алоҳида ўрни бор[19]. Корпус лингвистикаси масалалари кейинги йилларда монографик планда тадқиқ этила бошлади[20].

Корпус лингвистикасига бағишланган тадқиқотларда миллий корпусларнинг лингвистик хусусиятлари ёритилган. Хусусан, рус адабий тилининг миллий корпусини шакллантириш натижалари таҳлил қилинган, иловалар характери ҳамда вазифалар белгиланган[21]. Рус тили миллий корпусининг нутқ кўникмаларини эгаллашга таъсири масалалари

[18] Po‘latov A., Muhamedova S. Kompyuter lingvistikasi. – Toshkent, 2009; B.Yo‘ldoshev. Kompyuter lingvistikasi. - Toshkent, 2009; Po‘latov A. Kompyuter lingvistikasi. – Toshkent, 2011; Rahimov A. Kompyuter lingvistikasi asoslari. – Toshkent,2011; F.Qurbonova. Kompyuter lug‘atlari: tezaurus. – Toshkennt, 2014; Abduhamidova L. Tilshunoslikning yangi yo‘nalishi: kompyuter lingvistikasi. – Toshkent, 2015.

[19] Абдураҳмонова Н. Инглизча матнларни ўзбек тилига таржима қилиш дастурининг лингвистик таъминоти. (Содда гаплар мисолида). Филол. фан... (PhD) diss. – Toshkent, 2018; Хакимов М.Х. Расширяемый входной язык математического моделирования естественного языка для многоязычной ситуации машинного перевода // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2009. № 1. – Б. 75-80; Абжалова М. Ўзбек тилидаги матнларни таҳрир ва таҳлил қилувчи дастурнинг лингвистик модуллари (расмий ва илмий услубдаги матнлар таҳрири дастури учун). Филол. фан. фалс.(PhD)... дисс. – Тошкент, 2019.

[20] Ҳамроева Ш. Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари. Филол. ф. бўйича ф. д. (PhD) дис. автореф. – Қарши, 2018; Эшмуминов А.Ўзбек тили миллий корпусининг синоним сўзлар базаси. Филол. ф. бўйича ф. д. (PhD) дис. автореф. – Қарши, 2019.

[21] Венцов А.В., Грудева Е.В., Касевич В.Б., Ягунова Е.В. Национальный корпус русского литературного языка: некоторые результаты, приложения и задачи / Научно-техническая информация. - Сер. 2. - № 6. - С. 35-36; Венцов А.В., Грудева Е.В. О корпусе русского литературного языка / Russian Linguistics. – № 2. - С. 195 - 209.

ўрганилган[22]. Рус тили миллий корпусининг жаҳон тажрибаси контекстидаги хусусиятлари таҳлил этилган[23].

Ўзбек тилшунослигида яратилган конкорданс луғатлар миллий корпусни шакллантиришдаги муҳим босқичдир[24]. Айниқса, мумтоз манбалар конкордансларининг яратилаётгани компьютер лексикографиясини такомиллаштириш билан бир қаторда аждодларимиз маънавияти, маърифий-ахлоқий қарашларининг бугунги авлодга етказилишида, ўзбек тили тарихий асосларини, тарихий сўзлар, архаизмлар фондини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади[25]. Бобда ўзбек миллий корпусини яратишнинг амалий аҳамияти, ўзбек тили функционал доирасини кенгайтиришдаги ўрни асослаб берилган.

Диссертациянинг II боби **“Ўзбек тили миллий корпусини шакллантиришда графематик, морфологик усуллар”** таҳлилига бағишланган. Биринчи параграфда “*Миллий корпус матнини танлаш ва қайта ишлаш”* масалалари ёритилган. Корпусни шакллантиришнинг ўзига хос босқичлари, тамойиллари мавжуд. Ўзбек тили миллий корпуси маълумотлар базасини яратишнинг компьютер усулларини ишлаб чиқишни талаб қилади.

Корпус лингвистикасига доир тадқиқотларда корпус яратиш технологияси, воситалари, компьютер усуллари борасида сўз юритилган.

А.Баранов амалий тилшуносликка бағишланган тадқиқотида корпус лингвистикаси масалаларига кенг тўхталган[26].

В.Захаров корпус лингвистикасининг тараққиёт масалалари ёритилган ҳамкорликдаги тадқиқотида корпус яратиш усуллари ҳақида сўз юритган, корпусларни шакллантиришнинг технологик жараёни сифатида 9 та босқични қайд этган[27].

Корпусларни шакллантириш методлари дунё корпус лингвистикаси тажрибасини ўрганиш жараёнида ҳам такомиллашиб борди. Мавжуд корпусларнинг тузилиши, хусусиятлари ўзбек тили миллий корпусини яратишда асос бўлади.

Тадқиқотчи Н.Атабоев 450+ миллион сўзли COCA (Corpus of contemporary American English) “Замонавий америка инглиз тили” корпуси тузилиши, хусусиятлари, имкониятларини тадқиқ қилар экан, корпус тамойиллари асосида корпуслар яратиш ҳамда улардан амалий фойдаланишга қаратилган корпус лингвистикаси методологиясини олтита методдан иборат эмпирик тизимга ажратган[28].

Юқорида келтирилган маълумотларни ўрганиш асосида ва

---

[22] Венцов А.В., Касевич В.Б., Ягунова Е.В. Корпус русского языка и восприятие речи / Научно-техническая информация. - Сер. 2. - № 6. - С. 25 - 27.

[23] Шаров С.А. Представительный корпус русского языка в контексте мирового опыта / С.А.Шаров // Научно-техническая информация. - Сер. 2. - № 6. - С. 12-16.

[24] Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достони конкорданси. – Тошкент: ТДШИ, 2012.

[25] Умаров Э. Алишер Навоийнинг “Хамса” достонлари конкорданслари. – Тошкент, 2011. - Б. 4.

[26] Баранов А.Н. Введение в прикладную лингвистику. - М.: Эдиториал УРСС, 2001.

[27] Захаров В.П., Богданова С.Ю. Корпусная лингвистика. - Иркутск: ИГЛУ, 2011. - С.35-36.

[28] Атабоев Н. Инглиз тили корпусининг функционал хусусиятлари. Ф. ф. ф. д. (PhD) ... дисс. автореф. - Тошкент, 2020. - Б. 17.

кузатувларимиз натижасида ўзбек тили миллий корпусини яратишнинг қуйидаги тамойилларини ажратдик:

1. Корпус матнларини танлаш ва тизимлаштириш тамойили.
2. Матнларни график жиҳатдан бир хиллаштириш тамойили.
3. Матнларни морфологик жиҳатдан қайта ишлаш тамойили.
4. Матнларни синтактик жиҳатдан қайта ишлаш тамойили.
5. Матнларни семантик жиҳатдан қайта ишлаш тамойили.
6. Матнларни разметкалаш ва қидирув тизимига мослаш тамойили.
7. Корпус дизайнини амалга ошириш.

Ўзбек тили миллий корпусини шакллантиришда графематик, морфологик усуллар матнларни форматлаш, қайта ишлаш, конвертлаш, графематик ва морфологик анализ, морфологик разметкани ўз ичига олган босқич ҳисобланади. Ўзбек тили миллий корпусини шакллантиришда семантик ва синтактик усуллар, матнларни семантик, синтактик анализ ва синтактик разметкалаш босқичини ташкил қилади. Ривожланган тилларда компьютер усуллари тизимлаштирилган ҳолда жамланган[29].

Миллий корпус яратишнинг компьютер усуллари жамланган фондлар ўзбек тили миллий корпусини яратишда назарий асос ва амалий кўрсатма вазифасини бажаради.

Тадқиқотда корпусни шакллантиришнинг асосий компьютер усуллари сифатида матн киритиш, машина ўқийдиган формада қайта шакллантириш, анализ ва матнларни дастлабки қайта ишлаш, конвертлаш ва графематик анализ ҳамда морфологик, семантик, синтактик разметкалаш жараёнлари таҳлил қилинди.

Диссертацияда ўзбек тили миллий корпусига киритиладиган матнлар турлари, жанрлари тавсифи келтирилган. Миллий корпуснинг лингвистик тадқиқотлардаги аҳамияти таъкидланган.

Репрезентативлик корпус лингвистикасининг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, матнларнинг турли даврларни, жанрларни, муаллифларни қамраб олиш хусусиятидир. Тадқиқотларда корпус лингвистикаси минимум икки хил типдаги матн корпусини таҳлил қилишини кўрсатди.

1. Универсал корпуслар – нутқий фаолиятнинг барча қиррасини намоён этадиган ёзма ва оғзаки матнлар корпуси.

2. Ижтимоий нутқнинг айрим лингвистик ёки маданий феноменларини ўз ичига оладиган корпуслар, масалан, мақоллар корпуси, газета нутқидаги сиёсий метафоралар[30].

Ўзбек тилининг миллий корпуси универсал характерга эга бўлиб, нутқий фаолиятнинг барча кўринишларини ўз ичига олади.

Бобнинг иккинчи параграфи "*Миллий корпусни шакллантиришда конвертлаш усули ва графематик анализ"* деб номланиб, унда ўзбек тилининг миллий корпусини шакллантиришда матнлар конвертлаш усули асосида

[29] Амиева А.М.,Филимонов В.В., Сергеев А.П., Тарасов Д.А. Инструменты корпусной лингвистики. - С-257.
[30] Богданова С.Ю. Исследование слова и предложения компьютерными методами // Слово в предложении: кол. монография / Под ред. Л.М.Ковалевой (отв. ред), С.Ю.Богдановой, Т.И.Семеновой. - Иркутск: ИГЛУ, 2010.

мувофиқлаштирилади. Бунда дунё миқёсидаги корпус яратиш тажрибасида қўлланаётган конвертлаш усулларидан фойдаланилади.

Корпус муайян мақсадда махсус тизим орқали шакллантирилган, матн маълум бир сақлаш бирликлари орқали конвертланган маълумотлар базасидир. Маълумотларни конвертлаш маълумотларни бир форматдан бошқасига ўтказиш, қайта ҳосил қилишдир. Масалан, “plain text” форматидаги матнни “Open Document Text” форматидаги матнга ўзгартириш, мультимедиали (график, мусиқали) файлларни қайта шакллантириш, MSI Windows installer пакетидаги EXE файлига ўзгартириш конвертлаш ҳисобланади. Маълумотларни ҳар бир компьютер дастури ўзига хос тарзда қайта ишлайди. Конвертлаш жараёнида маълумотлар тўлиқ сақланиб қолиши ёки айрим маълумотлар йўқотилиши мумкин. Баъзи ҳолларда ортиқча маълумотларнинг қўшилиб қолиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Конвертлаш алоҳида дастурлар орқали амалга оширилади.

Миллий корпусни шакллантириш қуйидаги компонентлардан иборат:

1. Графематик анализ. Сўзларни, рақамлар комплексини, формулаларни ажратиш.

2. Морфологик анализ. Киритилган матндаги сўзларнинг морфологик талқини.

3. Синтактик анализ. Гапларни тобелик дарахти асосида тузиш.

4. Семантик анализ. Матннинг семантик графасини тузиш.

Корпусларни шакллантиришнинг компьютер усулларидан бири графематик анализдир.

Графематик анализ (ГрафАН) - табиий матнни занжир кўринишида бошланғич анализ қилиш дастури. Графематик анализ жараёни тадқиқотларда қайд этилган[31].

Графематик анализ корпусга мўлжалланган матнларни қайта ишлаш, уларни қидирув тизимига мослаштириш учун муҳим бўлган жараён ҳисобланади.

Графематик анализнинг таркибий қисми бўлган халқаро графематик дескрипторларнинг қуйидаги ўзбекча муқобилларини таклиф қиламиз:

Халқаро номланиши	**Ўзбекча номланиши**	**Графематик дескрипторлар**
RLE	LE	ўзбекча лексема
ILE	ALE	арабча лексема
ILE	FLE	форсча-тожикча лексема
ILE	RBLE	рус-байналмилал лексема
DEL	AYR	айирувчи
PUN	TB	тиниш белгиси
DC	RK	рақамлар комплекси
DSC	RHK	рақамли-ҳарфлар коплекси
CRAUNK		Юқоридаги белгиларга эга бўлмаган мураккаб боғланишлар

[31]АОТ (автоматическая обработка текста): Технологии: Графематика.

Графематик анализ матнни шунчаки белгилар кесимида таҳлил қилиш усули эмас, балки тадқиқотчидан муайян лексикологик, этимологик билимни ҳам талаб қилади. Масалан, ўз ва ўзлашган қатлам лексемаларини ажратиш учун сўзлар этимологиясини билиш талаб этилади.

Матнни саралаш уни белгилаш жараёнини ифода этади. Корпус лингвистикасида разметка тушунчаси матнни махсус кўрсаткичлар асосида белгилашни ифода этади. “Разметка корпуснинг асосий тавсифидир; у корпусни интернет тизимидаги оддий матнлар коллекциясидан ёки кутубхонасидан фарқлаб туради[32].

Разметкалар матн хусусиятларини ёритишда, керакли маълумотни тез топишда амалий аҳамият касб этади.

Разметкалар матнга берилган қўшимча маълумот, илова сифатида ҳам қайд этилган.

Разметка матнга ва унинг компонентларига махсус тэгларни ёзишда ифодасини топади. В.Захаров лингвистик, матннинг лексик, грамматик характеристикасини ва бошқа хусусиятларини ёритувчи ҳамда экстралингвистик (автор ва матн ҳақида маълумот, нашр вақти ва жойи, жанри, мавзуси) разметкаларни фарқлайди[33]. Лингвистик бўлмаган разметкаларга матнни форматловчи разметкалар (сарлавҳа, абзац), муаллиф ва матн ҳақидаги маълумотларга оид разметкалар (автор исми, ёши, жинси, умр саналари; матн сарлавҳаси, тили, нашр этилган жойи ва йили ҳақидаги маълумотлар) киради[34].

Масалан, “Қисаси Рабғузий” асарининг экстралингвистик разметкаси қуйидагича белгиланади:

<head></head> Носириддин Бурхониддин ўғли Рабғузий. 47 ёш. XIV аср. “Қиссаси Рабғузий”. Насрий асар. Қисса. Ўзбек тилида (кирилл алифбосида). Тошкент, 1991.

Ҳужжатнинг структур разметкаси (абзацлар, гаплар, сўзларни ажратиш) ва хусусий лингвистик разметка, одатда, автоматик тарзда амалга оширилади.

Автоматик разметка натижаларини таҳрир қилиш: хатоларни тузатиш ва ҳар хилликни бартараф этиш билан (қўлда ёки ярим автомат шаклда) амалга оширилади[35].

Разметкалар ахборот қидирув тизими учун ишлаб чиқилган махсус белгилар тизими бўлиб, маълумотларнинг тез ва осон топилишини таъминлайди. Лингвистик разметка типлари орасида морфологик, синтактик, семантик, анафорик, просодик, дискурсив каби разметкалар ажратилади[36]. Бундай разметкалар корпусларда матн юзасидан қидирув олиб бориш, у ёки бу матннинг ўзига хос белгиларини ажратишда муҳимдир.

Бобнинг учинчи параграфи *“Морфологик анализ ва морфологик*

[32] http://rusorpora.ru; http://rusorpora.ru

[33] Захаров В.П., Богданова С.Ю. Корпусная лингвистика. – Иркутск:ИГЛУ, 2011. - С. 45.

[34] Амиева А.М., Филимонов В.В., Сергеев А.П., Тарасов Д.А. Инструменты корпусной лингвистики. - С. 253.

[35] Захаров В.П., Богданова С.Ю. Корпусная лингвистика. - Иркутск:ИГЛУ, 2011. - С. 35-36.

[36] Амиева А.М., Филимонов В.В., Сергеев А.П., Тарасов Д.А. Инструменты корпусной лингвистики. - С. 253.

разметка” тавсифига бағишланган. Корпуслар тизимидаги махсус морфологик белгилар таҳлил жараёни учун хизмат қилади. “...морфологик таҳлил модули – сўзшаклдан унинг лемма (лексеманинг луғатдаги шакли)га қадар таҳлил қилинишидир[37]”. Жаҳон тилшунослигида корпуслар махсус халқаро тэглар оқали разметкаланган. Бу эса маълумотларнинг қидирув тизимига конвертланишида, матнларни тез ва осон топишда муҳимдир.

Корпус маълумотларнинг компьютер базаси экан, уни яратишда махсус процедура ва дастурлардан фойдаланиш талаб этилади. Табиий тилни қайта ишлашнинг асосий процедураси сифатида: токенизация, лемматизация, стемминг, парсинглар ажратилади.

Токенлар (сўз шакллари) чапда <> белгиси билан ажратилади. Масалан,

[<Олий> <таълим> <муассасалари> <орасида> <соғлом> <рақобат> <муҳитини> <шакллантириш> <рейтингни> <аниқлашнинг> <мақсади> <ҳисобланади>].

Ҳар бир токен таркибида леммалар мавжуд ва бу морфологик таҳрирнинг кейинги жараёнларида аниқлаштирилади:

“муассасалар” токени “муассаса” леммасига, “рағбатлантириш” токени “рағбатлан” леммасига мансубдир: ‘<муассасалар>’

‘муассаса’ **<ot> <t.ot> <Joti> <b.>** (“муассаса” леммасининг от туркумига хос категориал белгилари: от>турдош от>жой оти> бирликда).

‘<рағбатлантириш>’

‘рағбатлан’**<f> <ff> <shø> <zø>** (“рағбатлантириш” леммасининг феъл туркумига хос категориал белгилари: феъл>фаолият-жараён феъли>шахссиз>замон кўрсаткичисиз шакл).

Токенизацияда `*` белгиси сўзнинг бош ҳарф билан ёзилишини билдиради.

Юқоридаги матн токенизациясида токенларга ажратиш дастурининг чекланган жиҳатлари ҳам кўзга ташланади: - (чизиқча)нинг алоҳида олиниши ёки жуфт сўзларни иккита токен ҳолида ажратиш семантик жиҳатдан муаммоларни юзага келтириши мумкин: **<илмий> <-> <педагогик>, <профессор> <-> <ўқитувчиларнинг>.**

Морфологик разметкалаш морфологик анализга асосланади. Сўзни таркибий қисмларга ажратиш стем ва леммаларга ажратиш орқали амалга оширилади.

“Стемминг мақсади – семантика бўйича ўхшаш сўз шаклларининг мосларини аниқлаш”[38]. *Лемматизация* – морфологик анализнинг специфик масаласи сўзнинг бошқа сўзшаклларидан келиб чиқадиган дастлабки шаклланиш жараёни. Лемматизация таҳлил давомида бир сўз сифатида қараладиган бир сўзнинг турли флектив шакллари гуруҳини намоён этади.

[37] Абжалова М. Ўзбек тилидаги матнларни таҳрир ва таҳлил қилувчи дастурнинг лингвистик модуллари (расмий ва илмий услубдаги матнлар таҳрири дастури учун). Филол. фан. фалс.(PhD) ... дисс. – Тошкент, 2019.-Б. 14-15.

[38] Турсунов М., Қаршиев А. Ўзбекча матнларни морфологик ва лексик таҳлил қилиш алгоритмлари ва дастурлари. / “Амалий математика ва информацион технологияларнинг долзарб муаммолари” Халқаро анжуман тезислари тўплами. Of the international scientific conference “Actual problems of applied mathematics and information technologies”. – Тошкент, 2019 йил 14-15 ноябрь. - Б. 290-291

Асос шакл *лемма* ҳисобланади[39].

Разметкалар қўйишда тилнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам эътиборга олинади. Масалан, ўзбек тилидаги омонимларни фарқлаш учун махсус тэглар талаб қилинади. Ўзбек тилидаги матнларда омонимларни фарқлашда кодлардан, символлардан, туркумни билдирувчи тэглардан фойдаланиш талаб этилади. Бунинг учун изоҳли луғатларда қўлланадиган рим рақамларидан тэг сифатида фойдаланиш мумкин. Фақат рим рақамларини қатъий тарзда белгилаб олиш керак бўлади: I – от, II – феъл, III – сифат, IV – равиш.

Ўзбек тилида от-феъл омонимлиги кўплиги даражасига кўра биринчи ўринда туради (тут I – дарахт, тут II – ҳаракат). От-сифат омонимлиги (чанқоқ I "ташналик" – чанқоқ III "ташна") ёки феъл-сифат омонимлиги (ёт II – ҳаракат, ёт III – "бегона") кейинги ўринда туради. От-равиш омонимлиги учрамайди. Сифат-равиш-феъл омонимлиги кам учрайди: тик II ҳаракат, тик III "қия", тик IV "тўппа-тўғри".

Бир туркумга оид сўзларни фарқлаш зарурати омонимлар учун танланган тэгларнинг чекланган томонини кўрсатади. Омонимик қатори аъзоларини фарқлаш учун яна махсус белги талаб қилинади: том I – "уйнинг, бинонинг устини бекитиб турувчи тепа қисми"; том I – "бўлим", "бўлак", "қисм", "жилд". Бир хил тэгланган омонимларни таржима дастури яна фарқламайди. Бу омонимик шаклларга қўшимча равишда махсус белгилар қўйиб чиқиш керак бўлади: <том **Iu**> - "уйнинг тепа қисми"; <том **Ij**>. Шундагина юқоридаги муаммоли ҳолат бартараф этилади. Компьютер дастури омонимик шакллардан тэг асосида белгиланган тегишли сўзни ажратган ҳолда таржима қилади

Тадқиқотимиз давомида ўзбек тилидаги омонимлик билан боғлиқ муаммони бартараф этиш мақсадида махсус тэглар тизими ишлаб чиқилди[40].

Диссертациянинг **"Ўзбек тили миллий корпусини шакллантиришда синтактик ва семантик усуллар"** деб номланган учинчи бобида маълумотлар базасини шакллантиришнинг синтактик ва семантик усуллари ҳақида сўз юритилган. Бобнинг биринчи параграфида "*Синтактик анализ ва синтактик разметка"* тавсифланган. Матнлар корпусида маълумотлар синтактик жиҳатдан ҳам таҳлил қилинади. Бунда мазмуннинг бирикмалар, қисқа ифодалар, бирикмани таъминловчи грамматик шакллар нуқтаи назаридан ёндашилади. Разметкалар тилнинг грамматик қурилиши, тартибини ифода этади: **S + O+ V** моделида **S** = эга, **O**= тўлдирувчи, **V**=кесим.

Синтактик разметкалар синтактик таҳлилларга асосланади. "Синтактик таҳлил – матндаги сўзларнинг грамматик боғланишини ифода этади"[41].

Синтактик анализда парсингларга ажратиш алоҳида ўрин тутади. ***Парсинг*** лексемаларнинг (сўз, токенларнинг) чизиқли кетма-кетлигини унинг формал грамматикаси билан чоғиштиришдир. Натижада тобелик дарахти

[39] Захаров В.П., Богданова С.Ю. Корпусная лингвистика. – Иркутск: ИГЛУ, 2011. - С. 39.
[40] Омоним тэглари ишга илова қилинади.
[41] Абжалова М. Ўзбек тилидаги матнларни таҳрир ва таҳлил қилувчи дастурнинг лингвистик модуллари (расмий ва илмий услубдаги матнлар таҳрири дастури учун). Филол. фан. фалс. (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2019. - Б.14-15.

(синтактик дарахт) юзага келади. Катта ҳажмли корпуслар учун автоматик синтактик анализаторларнинг қурилиши компьютер лингвистикасининг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланади[42].

Синтактик разметкалар тобелик дарахти моҳияти орқали намоён бўлади.

Синтактик разметкалар тилларнинг морфологик ва синтактик хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланади.

М.В.Копотев, А.Мустайокилар ҳозирги тилшуносликда корпус асосидаги ёндашувнинг аҳамиятини бир қатор мисоллар орқали кўрсатиб беришар экан, шундай ёндашувларнинг бир усули сифатида коллокацийлар (яъни лексемалар бирикмаси) тадқиқи ҳозирда корпус тадқиқотларининг энг оммабоп мавзуларидан бири бўлиб қолаётганлигини таъкидлашган[43].

Миллий корпусни шакллантиришда ва ундан фойдаланишда омонимларнинг ўзига хос мураккабликларга эгалигини *ошиқ* омоними мисолида кузатамиз:

ошиқ I – “ишқ соҳиби”; ошиқ I – “тана қисми”, ошиқ I – “ўйин номи”;

ошиқ II – “шошмоқ”; ошиқ III – “ортиқ”.

Ошиқ омонимлари иштирок этган матнларни компьютер дастури (Google translator)да таржима қилиб кўрамиз:



Ушбу мисолдаги ўйин ашёсини билдирувчи ***ошиқ*** сўзи “маҳбуба”, “севгили” маъносидаги омонимидан фарқланмаган.

Диссертацияда ошиқ омоними иштирокидаги 9та матн таржимаси таҳлилга тортилган. Таржима мазмуни, моҳияти изоҳланган. Келтирилган тўққизта мисолдан 3 тасида “ўйин ашёси” маъносидаги ***ошиқ*** ўрнида “ишқ соҳиби” маъносидаги омоними таржима қилинган (2, 3, 4). Биттаси тўғри таржима қилинган (5). Биттасида шахснинг нарса-буюмга бўлган муҳаббати

